

M.A. Каримова.

Kokand University Andijon filiali, “Ижтимоий -гуманитар фанлар ва педагогика” кафедраси доценти

Кўпгина мамлакатларда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича адвокатлар ва бошқа мутахассисларнинг фикрича, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига маълумот етиб келмайдиган, яъни жиноят содир бўлганлиги ҳақида хабар берилмайдиган жиноятлар орасида гендерли ва оиласий зўравонлик биринчи ўринни эгаллар экан. Оиладаги зўравонлик муаммолари ҳақидаги бу ва бошқа ақидаларнинг мавжудлиги руҳий босим, камситишларга дучор бўлаётган аёлларнинг елкасига ортиқча юк бўлиб, уларнинг нормал ҳаёт бошлашларига тўсиқ бўляпти. Оиладаги зўравонлик, ҳатто у мавжуд бўлса ҳам, ҳар бир оиласинг шахсий ишидир, уйдаги гапни кўчага олиб чиқмасликни талаб қиласиган бу ақида ким учун фойдали эканлигини устида ўйлаб кўриш керак. Ҳодисани яшириш, бошланган суриштирув ишларидан бош тортиш бу муаммонинг “кўринмас“ бўлиб қолишига олиб келяпти. Турлитуман камситишлардан азият чекаётган аёллар ёки оиласинг бошқа аъзолари уларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлаётганларини яширадилар.

Аёллар ва болалар ўзларини шундай тутганлари учун оиласида калтакланишга дучор бўладилар. Ҳеч ким калтакланишга лойиқ эмас. Ҳеч ким бирор йўл билан хўрланиши мумкин эмас. Замонавий жамиятда низолар туғилганда, уларни ҳал этишнинг жуда кўп усууллари бор. Аммо ҳаётда эса бу ҳақиқат англанмасдан ва амалга ошмасдан қолмоқда. Калтакланиш қурбонига у билан содир бўлган ҳодиса, у кўраётган азоб-уқубатларда унинг айби йўқлигини тушунтириш жуда муҳимдир. Зулмкор жазоланиши лозим.

Бу ақидани жамиятнинг шундай жиноятга нисбатан ҳимоя реакцияси деб билиш мумкин. Кўп сабабларга кўра, қурбон бу жиноятнинг

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

иштирокчиси саналади. Афсуски, оиладаги, гендер зўравонлик ва маънавий зўриқишига аёлларнинг кўпчилиги содир бўлган ҳодисаларда ўзларини айбдор ҳисоблайдилар. Бу баъзан йиллаб давом этадиган оғир психологик асоратларга олиб келади.

Зўравонлик аёллар кам маълумотли, ҳаёт даражаси паст бўлган оилаларда кўпроқ учрайди. Тажрибадан маълум бўлишича, юқори лавозимларни эгаллаётган аёлларни ҳам, оддий ишчиларни ҳам, уй бекаларини ҳам калтаклайдилар. Аёлларнинг касби ва ишдаги муваффақиятлари шерикларининг хулқига таъсир қилмайди. Афсуски аёл ва эркак ўртасидаги тузилган никоҳ, оиладаги муносабат сифатида оқланади.

Эркак ва аёлларнинг ўзаро келишиб яшамасликлари ва шерик бўлмасликлари, кўпинча аёллар ва уларнинг болалари калтакланишига олиб келади. Аёлларнинг оиласини тарқ этишига монелик қилувчи жуда кўп сабаблар бор. Булар: болаларни отасиз қолдиришдан қўрқиши, оилада содир бўлган ҳодисалардан уялиш, тураг жойни алмаштира олмаслик, моддий ёрдамсиз қолишиндан қўрқиши, жамият томонидан оилани бузишда айбланишдан хавфсираш ва бошқалар.

Эрининг баджаҳл ҳаракатларидан азоб чеккан бир аёл бундай деб айтиб берган: «Доимо айбдорлик ва уят ҳисси билан қурашиб келишига мажбурман. Кўпинча уйғонганимда, қанийди бу шунчаки даҳшатли туш бўлса эди, деган умидда тураман». Бу ақидани маъқуллайдиган кишилар бу муаммони кўтаришдан қўрқадилар ва содир бўлаётган барча ҳодисалар учун жавобгарликни аёллар зиммасига юклайдилар.

Алоҳида аёллар ва эркаклар орасидаги фарқ барча аёллар ва эркаклар орасидаги фарқдан муҳимроқдир. Маълумки, жисмоний кучли аёллар ва жисмоний кучсиз эркаклар мавжуд. Аёллар ҳам, эркаклар ҳам ҳис-туйғу, сезгилар, инстинктларнинг бир хил йиғиндиси билан туғиладилар. Шундай қилиб, зўравонлик “инсон табиати”нинг кўриниши эмас, ижтимоий тарбиянинг натижасидир.

Аёлларниг ўз уйларида бошқа жойдагига нисбатан кўпроқ

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

ҳақоратланиши, тан жароҳати олиши ва ҳаттоқи ўлдирилиши хавфи мавжуд. Турмуш ўртоғи томонидан калтакланиш ҳолатлари автоҳалокатлар, талончилик ҳужумлари ёки саратон касаллиги сабаб бўлган ўлимларнинг биргаликда олинган миқдоридан ҳам кўпроқ учрайди. Оилада калтакланиш 15-44 ёшдаги аёлларнинг оғир тан жароҳатларининг асосий сабабидир. Ўлдирилган аёлларнинг 70 %ининг қотили ўз эри бўлган. Бундай аҳвол бутун дунёда кузатилади.

Можаро ҳам, жанжал ҳам бир-бири билан бирор нарсада келиша олмаётган ва ўз фикрини ҳимоя қилаётган эр-хотинлар мавқеининг ўзаро тенглигини кўзда тутади. Зўравонлик вазиятида эса ҳеч қандай тенглик йўқ. Бир инсон жисмоний куч, иқтисодий имкониятлар, ижтимоий мавқе ва бошқалар ёрдамида бошқа инсонни назорат қилишга интилади.

Хулоса қилиб айтганда, агар оиласдаги можаро у ёки бу даражада тасодифий бўлса ҳам зўравонлик актлари ҳар сафар кучайиб борувчи қурбонни эзишга қаратилган ҳаракатлар занжири, чексиз айланадир. Гендерли ва оилавий зўравонлик – бу шунчаки можаро эмас, бу – жиноят, бу жиноятда уни амалга оширган киши айбдор. Ҳеч ким ўзига нисбатан зўравонлик қилинишига лойик бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар teng ҳуқуқ ва имкониятлари кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, 2.09.2019 й. 562-сон ЎРҚ.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазииклар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуни 2.09.2019 й. 561-сон ЎРҚ.
3. “Гендер муносабатлари назарияси ва амалиётга кириш” тўплами. Т., 2007.
4. Регентова М. Основы предотвращения насилия в семье. Методическое пособие. – М., 2007.